**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.07.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ**

САФАРОВ АКБАР РАХМАНОВИЧ

УМУМЛАШГАН ТЕБРАНУВЧАН ИНТЕГРАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01 –Математик анализ

**ФИЗИКА–МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Самарқанд - 2023

УДК: 517.518

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

САФАРОВ АКБАР РАХМАНОВИЧ

УМУМЛАШГАН ТЕБРАНУВЧАН ИНТЕГРАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01 –Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Самарқанд - 2023

Фан доктори (Doctor of Sciences) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2. DSc/FM___ рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университети ва В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Икромов Исроил Акрамович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Халмухамедов Алимджан Рахимович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Имомқулов Севдиёр Акрамович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Мўминов Захриддин Эшқобилович физика-математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866)231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32.

Диссертация автореферати 2023 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2023 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, физика-математика фанлари доктори

С.Н. Лакаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори, академик

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда тебранувчан интегралларнинг текис баҳосини тадқиқ қилишга олиб келинади. Бу албатта, ушбу мавзу бўйича мавжуд бўлган кенг қамровли адабиётларда ўз аксини топган. XX асрнинг олтмишинчи йилларида киритилган тригонометрик йиғиндилар усули ҳамда бу йиғиндиларнинг асимптотик характерини тригонометрик интеграллар орқали ифодаланиши тебранувчан интеграллар назариясининг ривожланишига асос бўлди. Тебранувчан интегралларнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири уларнинг аналитик сонлар назариясига татбиғи ҳисобланади. Бундай интегралларнинг характерини тадқиқ этишнинг икки жиҳати мавжуд бўлиб, улардан бири тригонометрик йиғиндилар билан, бошқаси тригонометрик интеграллар билан боғлиқ. Тебранувчан интегралларнинг характерини тадқиқ қилишга оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда фундаментал фанларнинг амалий татбиқига эга бўлган математик анализнинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, тебранувчан интегралларнинг характерини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Евклид фазосининг қаварик гиперсиртларида мужассамланган силлиқ Борел ўлчовларининг Фурье алмаштиришларини тадқиқ қилиш ҳамда гиперсиртларда Фурье алмаштиришларининг чегараланганлик муаммоси бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Алгебра ва математик анализ, динамик тизимлар назарияси, амалий математика ва математик модделлаштириш математика фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланиши амалий-назарий жиҳатдан муҳим илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Республикамизда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган фундаментал фанларга катта эътибор берилмоқда, ҳусусан, гармоник анализ назарияси масалаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. “Алгебра ва унинг татбиқлари, дифференциал тенгламалар ва уларнинг татбиқлари, чизиқсиз тизимлар, динамик тизимлар ва уларнинг татбиқларини математик моделлаштириш, стохастик таҳлил, тиббий-биологик информатика, ҳисоблаш математикаси[1]” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Бу қарор ижросини таъминлашда гармоник анализ масалаларининг спектрал назариясини ривожлантириш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасининг IV, “Математика, механика ва информатика” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Умумлашган тебранувчан интеграллар ва уларнинг татбиқларига оид тадқиқотлар ва илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг олий таълим муассалари ва илмий-тадқиқот марказлари, жумладан, Ghent Analysis & PDE Center (Бельгия), School of Mathematical Sciences, Queen Mary University of London (Англия), Christian-Albrechts-Universität zu Kiel (Германия), Ganja State University (Озарбайжон), Москва давлат университети (Россия) да кенг қамровли излинишлар олиб борилмоқда.

Умумлашган тебранувчан интеграллар ва уларнинг татбиқларига оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: бир ўзгарувчили умумлашган тебранувчан интегралларнинг баҳолари олинган (Ghent Analysis & PDE Center (Бельгия), School of Mathematical Sciences, Queen Mary University of London (Англия)); тебранувчан интегралларнинг инвариант баҳолари топилган (Москва давлат университети (Россия)); Фазаси кўпҳад бўлган тебранувчан интеграллар учун жамлаш кўрсаткичлари хусусий ҳолда топилган Ganja State University (Озарбайжон)).

Дунё миқёсида бугунги кунда умумлашган тебранувчан интеграллар ва уларнинг татбиқларини тадқиқ этиш бўйича бир қатор, жумладан: фазаси кўпҳад бўлган тебранувчан интегралларнинг инвариант баҳоларини олиш, фазаси махсус кўринишли кўп каррали тебранувчан интегралларнинг текис баҳолари олиш, фазаси икки ўзгарувчили учинчи даражали бир жинсли кўпҳад бўлган тебранувчан интегралларнинг йиғиш кўрсаткичини топиш, Миттаг-Леффлер функцияси билан боғланган тебранувчан интегралларнинг баҳоларини олиш, Миттаг-Леффлер функцияси билан боғланган тебранувчан интегралларнинг асимптотикасини топиш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: https://www.springer/com/gp/mathematics; https://onlinelibrary.wiley.com/; www.mathnet.ru; www.scholar.google.com; www.elsevier.com/locate/camw ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тебранувчан (тригонометрик) интеграллар дастлаб 1818 йил Френелнинг ёруғликнинг интенсивлигини ўрганиш билан боғлиқ ишларида вужудга келган. У бундай интеграллардан фойдаланиб четлардаги, экрандаги, кичик туйнук дифракциялари масалаларини ечган. 1838 йилда Эйри тригонометрик интеграллардан каустиканинг атрофида ёруғликнинг интенсивлигини ўрганишда фойдаланди. Каустика – бу ёруғликнинг интенсивлиги бошқа одатдаги нуқталардагидан анча юқори бўлган тўпламидир. Кейинчалик, 1887 йилда Кельвин ва Риманнинг тадқиқотларида тебранувчан интегралларнинг характерини ўрганиш учун стационар фаза усули қўлланила бошланди. 1891-1892 йилларда Пуанкаре изланишларида ёруғликнинг интенсивлигини ўрганишда тебранувчан интеграллардан кенг фойдаланди. Хусусан, у ёруғлик каустикадан ўтаётганда фазали силжишни $\frac{\pi}{2}$ га суришини исботлади. Олдинроқ бу тасдиқ Гуи томонидан тажрибавий усул билан аниқланган.

Кейинги тадқиқотларда Пирси, Людвиг, Урселла, Коннор ва бошқа олимларнинг A_n махсусликка эга бўлган тебранувчан интегралларнинг математик физикада тадбиқлари пайдо бўлди. 1974 йилда Ж.Дюстерматнинг ишида умумлашган Эйри функциялари, аниқроғи Арнольднинг эллиптик махсусликлари билан боғлиқ функциялар тадқиқ қилинди. 1973 йилда В.И.Арнольд томонидан қуйидаги гипотеза илгари сурилди. Фараз қилайлик, тебранувчан интегралнинг фаза функцияси бирор параметрларга боғлиқ бўлсин. Албатта, фаза функцияси параметрлар ва “асосий” ўзгарувчилар(интеграл ўзгарувчилари)нинг силлиқ (ҳатто аналитик) функцияси бўлиши мумкин. Яъни, биз фаза функциялари оиласига эга бўлайлик. Айтайлик, бу параметрлар тайинланган қийматларда нол нуқтанинг бирор атрофида ўзгарсин. Шунинг учун уларни баъзан “кичик” параметрлар деб аташади. Бизга тебранувчан интегралнинг (яъни фаза функцияси параметрнинг нол нуқтасида бўлган ҳолдаги қиймати билан аниқланган) тебраниш кўрсаткичи маьлум бўлсин. У ҳолда параметрлар нол нуқтанинг етарли кичик атрофида ўзгарганда параметрларга боғлиқ тебранувчан интеграл шу тебраниш кўрсаткичидан ихтиёрий кичикроқ бўлган катта параметрнинг даражаси орқали баҳоланади. Бошқача айтганда, тебраниш кўрсаткичи фазанинг кичик параметрларининг ярим узлуксиз функцияси бўлади. Бу масала “Arnol’d’s Problems” номли китобда ҳам келтирилган (бу китобнинг тўлдирилган инглизча нашри 2004 йилда чоп қилинган).

Арнольднинг гипотезаси В.Н.Карпушкин томонидан исботланди. Аниқроғи, фаза функцияси аналитик бўлган ҳолда икки каррали тебранувчан интегралларнинг текис (фаза функциясининг етарли кичик «силжишига» нисбатан) баҳолари олинди. Бошқача айтганда, В.Н.Карпушкин В.И.Арнольднинг гипотезаси аналитик фазали тебранувчан интеграллар учун ўринли бўлишини исботлади. Кейинчалик бу натижа силлиқ функцияларнинг баъзи хусусий деформациялари учун Хасановнинг номзодлик диссертациясида исботланди.

Тебранувчан интегралларни ўрганиш учун яна бир муҳим соҳалардан бири аналитик сонлар назариясига тадбиғи ҳисобланади. Маълумки, И.М.Виноградовнинг тадқиқотларида диофант тенгламалари ечимининг сони билан мос келувчи интеграл (Виноградов интеграли деб аталувчи) муҳим ўрин эгаллайди. Бироқ бундай интегралларнинг характерини тадқиқ этишнинг икки жиҳати мавжуд бўлиб, улардан бири тригонометрик йиғиндилар билан, бошқаси тригонометрик интеграллар билан боғлиқ. 1949 йилда хитой математиги Хуа Ло Ген томонидан тригонометрик интегралнинг мос $L^p(R^n)$ фазога тегишли бўлган энг минимал p ни топиш муаммосини қўйди, бунда $n-$фазадаги кўпҳад коэффициентлари фазосининг ўлчови. Ушбу масала бир қатор ишларда қаралган бўлиб, Виноградов томонидан олинган баҳолар умумлашган Ван дер Корпут леммасига асосланган. Мазкур масала бир каррали тебранувчан интеграллар учун Архипов Г.И., В.Н.Чубариков, А.А.Карацубаларнинг 1979 йилдаги ишида ўз ечимини топган ва улар томонидан кўп каррали тригонометрик интеграллар учун юқори баҳо топилган. Бироқ бу масала умумий ҳолда ҳалигача очиқ турибди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат университетининг ОТ-Ф4-69 - «Гармоник анализ, даражали геометрия ва уларнинг математик физика масалаларига татбиқлари» илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумлашган тебранувчан интегралларнинг баҳоларини олиш ва ҳамда аниқ жамлаш кўрсаткичини топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

амплитуда функцияси узилишга эга бўлган тебранувчан интегралларнинг текис баҳоларини ε аниқлигида ўтиш методини қўллаш орқали олиш;

фаза функцияси D_∞, $D_4^\pm$ ва A_r махсусликларга эга бўлган Миттаг-Леффлер функцияси билан боғланган умумлашган тебранувчан интегралларни баҳолаш;

фаза функцияси кўпҳад бўлган икки ўзгарувчили Миттаг-Леффлер функцияси билан боғланган умумлашган ва классик тебранувчан интегралларнинг текис баҳоларини олиш;

фазаси учинчи даражали кўпҳад бўлган тебранувчан интеграллар учун Евклид текислигидаги классик ҳаракатлар группасининг инвариантлари орқали баҳоларини олиш;

фаза функцияси иккинчи ва учинчи даражали кўпҳад бўлган классик тебранувчан интегралларнинг коэффициентлар фазосидаги аниқ жамлаш кўрсаткичини топиш.

Тадқиқотнинг объекти фазаси кўпҳад бўлган умумлашган тебранувчан интеграллардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети фаза функциясининг коэффициентлари чексизга интилгандаги тебранувчан интегралларнинг ҳолати аниқлаш, тебранувчан интегралларнинг инвариант классик группалар орқали баҳосини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида дифференциал акслантириш-ларнинг махсусликлар назарияси, аналитик функциялар назарияси, анализнинг асимптотик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

амплитуда функцияси узилишга эга бўлган тебранувчан интегралларнинг текис баҳоларини ε аниқлигида ўтиш методини қўллаш орқали олинган;

фаза функцияси D_∞, $D_4^\pm$ ва A_r махсусликларга эга бўлган Миттаг-Леффлер функцияси билан боғланган умумлашган тебранувчан интеграллар баҳоланган;

фаза функцияси кўпҳад бўлган икки ўзгарувчили Миттаг-Леффлер функцияси билан боғланган умумлашган ва классик тебранувчан интегралларнинг текис баҳолари олинган;

фазаси учинчи даражали кўпҳад бўлган тебранувчан интеграллар учун Евклид текислигидаги классик ҳаракатлар группасининг инвариантлари орқали баҳолари олинган;

фаза функцияси иккинчи ва учинчи даражали кўпҳад бўлган классик тебранувчан интегралларнинг коэффициентлар фазосидаги аниқ жамлаш кўрсаткичи топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фазаси икки ўзгарувчили учинчи даражали кўпҳад бўлган тебранувчан интегралларнинг аниқ йиғилиш кўрсаткичини топишга имкон беради;

фазаси икки ва ундан кўп ўзгарувчили кўпҳад бўлган умумлашган тебранувчан интеграллар учун Ван дер Корпут леммасининг исботини олишда фойдаланиш мумкин;

умумлашган тебранувчан интегралларнинг баҳолари каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг ечимини баҳолашда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик анализ, функционал анализ, математик физика, дифференциал тенгламалар, гармоник анализ назарияси усулларидан фойдаланганлиги ҳамда қатъий математик мулоҳазаларни қўллаш орқали, математик исботлашлар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фазаси учинчи даражали кўпҳад бўлган умумлашган тебранувчан интеграллар инвариант баҳоларининг мавжудлигини кўрсатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, гиперболик тенгламалар-нинг фундаментал ечимларининг характерини тадқиқ қилишда асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумлашган тебранувчан интегралларнинг баҳолари ва уларнинг татбиқларига оид натижалар асосида:

фазаси кўпҳад бўлган тебранувчан интегралларнинг инвариант баҳоларига оид илмий натижалардан етакчи хорижий журналларда (Nonlinear Analysis, Volume 207, June 2021, 112292, Analysis and Mathematical Physics volume 12, Article number: 130 (2022), Journal of Siberian Federal university. mathematics and physics 15.4 (2022): 459-466.) баъзи ночизиқли дифференциал тенгламаларга мос масалаларни тадқиқ қилишда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши қаралаётган масалаларнинг спектрлари дискрет бўлишини исботлаш имконини берган;

умумлашган тебранувчан интегралларнинг баҳоларидан Бельгия республикаси Гент университетининг махсус тадқиқот фондининг Анализ ва хусусий дифференциал тенгламалар ҳамда Медусалам программасининг № 01M01021 сонли тадқиқот лойиҳасида (Гент университетининг 2023 йил 18 апрелдаги маълумотномаси) Миттаг-Леффлер функцияси билан боғланган умумлашган тебранувчан интегралларнинг хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг ечимини баҳолашда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши каср ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг ечимининг априор баҳоларини олиш имконини берган;

фазаси кўпҳад бўлган тебранувчан интегралларнинг баҳосига оид натижалар Қозоғистон республикаси Математика институти ва математик моделлаштириш илмий-тадқиқот институтининг №AP08052046 сонли “Баъзи локал бўлмаган ночизиқли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар” мавзусидаги лойиҳада (Қозоғистон республикаси Математика институти ва математик моделлаштириш илмий-тадқиқот институтининг 2023 йил 17 апрелдаги 01-06/060 сон маълумотномаси) Миттаг-Леффлер функцияси билан боғланган умумлашган тебранувчан интегралларнинг баҳоларини тадқиқ қилишда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши каср ҳосилали дифференциал тенгламалар учун Коши масаласи ечимининг дастлабки баҳоларини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 14 илмий ва илмий-амалий анжуманларда, шулардан 8 та халқаро ва 6 та республика илмий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясилари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 6 таси ҳорижий ва 8 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 167 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Ёрдамчи мулоҳазалар”** деб номланган биринчи бобида биз керакли таърифлар, белгилар ва диссертация давомида фойдаланиладиган баъзи натижаларни белгилаб берамиз. Шунингдек, баъзи дастлабки тушунчалар ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этамиз. Хусусан, координаталарни чизиқли алмаштириш орқали оддий махсусликларга эга бўлган функцияларнинг нормал шаклига келтирамиз. Бундан ташқари, фазаси аналитик функция ва амплитудаси узилиш нуқталари тўпламига эга бўлган тебраниш интегралларини кўриб чиқамиз. Бунда мусбат $\varepsilon > 0$ аниқлигида бундай интеграллар учун аниқ баҳоларни оламиз.

Икки ўлчовли ҳолни қарайлик, яъни $n = 2$. Силлиқ амплитудали компакт ташувчига эга бўлган тебранувчан интегрални қарайлик:

$$J_0(\lambda, s) = \int_{\mathrm{R}^2} a(x,s) e^{i\lambda\Phi(x,s)} dx.$$

Асосий шарт:

Фараз қилайлик, $s \in K$ ва (η_1, η_2) учун қуйидаги янги фаза функцияни қараб чиқайлик

$$\Phi_1(x,s,\eta) = \Phi(x,s) + x_1\eta_1 + x_2\eta_2.$$

Фараз қилайлик, $\Phi(x,s)$ аналитик функция бўлиб, $\Phi_1(x,s^0,\eta^0)$ функциянинг ихтиёрий критик нуқтаси учун бунда $(s^0,\eta^0) \in K \times R^2$ ва унинг тебраниш кўрсаткичи $\beta \le \beta_0$ бўлсин. Қуйидаги тасдиқ ўринли.

1-Теорема. *Агар фаза функция учун асосий шарт ўринли бўлса, у ҳолда ихтиёрий* $\varepsilon > 0$ *учун қуйидаги баҳо ўринли*

$$|J(\lambda,s)| \le \frac{c_\varepsilon \|a(\bullet,s)\|_{C^3}}{\lambda^{\beta_0-\varepsilon}}.$$

Қуйидаги тебранувчан интегрални қарайлик

$$J(\lambda,s) = \int_{R^2} \chi_{D(s)}(x) a(x,s) e^{i\lambda\Phi(x,s)} dx, \qquad (1)$$

бунда $D(s)$ – R^2 даги соҳалар оиласи ва $\{F_1(x,s) > 0, F_2(x,s) > 0\} \subset D(s)$, бундан ташқари $\gamma_1, \gamma_2 \subset \partial D(0)$ бўлсин, бунда $\gamma_j = \{x : F_j(x,0) = 0\}, j = 1,2.$

Қуйидаги теорема ўринли.

2-Теорема. $\Phi(x,0)$ *функциянинг* $x = 0$ *критик нуқтадаги тебраниш кўрсаткичи* β *бўлсин, у ҳолда нол нуқтанинг шундай* $U \times V \subset R^2 \times R^m$ *атрофи мавжуд бўлиб, ихтиёрий тайинланган мусбат* $\varepsilon > 0$ *ва ихтиёрий* $a \in C_0^\infty(U \times V)$ *амплитуда функция учун, қуйидаги баҳо ўринли:*

$$\left|J(\lambda,s)\right| \leq \frac{A_{\varepsilon}\|a\|_{C^3}}{\lambda^{\beta-\varepsilon}}.$$

“Миттаг-Леффлер функцияси билан боғланган тебранувчан интеграллар” деб номланувчи диссертациянинг иккинчи бобида, фазаси f ва амплитудаси ψ бўлган қуйидаги шаклдаги интегрални қараймиз:

$$I_{\alpha,\beta} = \int_U E_{\alpha,\beta}(i\lambda f(x))\psi(x)dx, \tag{2}$$

бунда $0<\alpha<1,\ \beta>0$, U координалар бошининг етарлича кичик атрофи ва $\lambda>0$.

“Силлиқ фазали содда махсусликга эга бўлган Миттаг-Леффлер функцияларнинг баҳолари” номли параграфда фаза функцияси иллиқ бўлиб, D_∞, $D_4^{\pm}$ ва A_r махсусликларга эга бўлган Миттаг-Леффлер функцияларнинг баҳоларини қараймиз. Тебранувчан интегралларнинг экспоненциал функциялари ўрнига Миттаг-Леффлер функциясини қўйиш орқали умумлаштирамиз.

Бир жинсли учинчи даражали икки ўзгарувчили кўпҳадни қарайлик. Ушбу параграфнинг асосий натижаси қуйидагидан иборат.

3-Теорема. *Фараз қилайлик $-\infty<a<b<\infty$ ва фаза функция икки ўзгарувчили бир жинсли кўпҳад бўлиб ҳамда $\psi\in L^p[a,b]^2$, $1<p\leq\infty$ бўлсин. Агар $0<\alpha<1$, $\beta>0$ ва $\lambda>0$ бўлса, у ҳолда қуйидаги баҳо ўринли*

$$\left|\int_{[a,b]^2} E_{\alpha,\beta}(i\lambda x_1^2x_2)\psi(x)dx\right| \leq \frac{C|\psi|_{L^p}}{\lambda^{\frac{1}{2}-\frac{1}{2p}}}, \tag{3}$$

$$\left|\int_{[a,b]^2} E_{\alpha,\beta}(i\lambda(x_1^2x_2 \pm x_2^3))\psi(x)dx\right| \leq \frac{C|\psi|_{L^p}}{\lambda^{\frac{2}{3}-\frac{1}{3p}}}, \tag{4}$$

$$\left|\int_{[a,b]^2} E_{\alpha,\beta}(i\lambda x_1^3)\psi(x)dx\right| \leq \frac{C|\psi|_{L^p}}{\lambda^{\frac{1}{3}-\frac{1}{3p}}}, \tag{5}$$

бунда C константа фақатгина p га боғлиқ.

“Фазаси кўпҳад бўлган умумлашган тебранувчан интегралларнинг баҳолари” номли параграфда, фазаси бир жинсли кўпҳад бўлган Миттаг-Леффлер функцияси билан боғланган умумлашган тебранувчан интегралларнинг текис баҳоларини қараймиз.

Риччи-Стейн лемманинг аналогини ва қуйидаги интегралнинг инвариант баҳосини оламиз.

Қуйидаги интегрални қарайлик

$$I_{\alpha,\beta}(a) = \int_{Q^n} E_{\alpha,\beta}(iP(a,x))\psi(x)dx, \tag{6}$$

бунда $0<\alpha<1$, $\beta>0$, $P(a,x)$ фаза функция, $\psi\in C^\infty(R^n)$ амплитуда ва $Q^n:=[0,1]^n$ n ўлчовли кубдан иборат.

4-Теорема. *Фараз қилайлик $0<\alpha<1$, $\beta>0$ бўлсин. Шундай мусбат C_d топилиб, фазаси $P(a,x)$ бўлган (6) интеграл учун қуйидаги баҳо ўринли*

$$\left|I_{\alpha,\beta}\right| \leq \frac{C_d}{\|a\|^{\frac{1}{d}}}, \tag{7}$$

бунда $\|a\| = \sum_{|\lambda|\leq d}|a_\lambda|$.

1-Эслатма. *4-теорема Риччи-Стейн леммасининг аналогидир.*

1-Тасдиқ. Фараз қилайлик $P: R^n \to R$ *даражаси* $\leq d$ *бўлган кўпҳад ва* $|a| = \max\{|a_\lambda|, |\lambda| \leq d\}$ *бўлсин. Шундай мусбат* $C_{d,n}$ *ўзгармас топилиб, агар* $a^0 \in S^N$ *(бу ерда* $N+2$ *энг юқори даражаси* d *бўлган кўпҳадлар фазосидаги ўлчови) тайинланган нуқта ва* $|D^\alpha P(a^0, x)| \geq \delta > 0$, $\forall x \in [0,1]^n$ *(бунда* $\alpha \in Z_+^n$ *ҳамда* $|\alpha| \geq 2$*), бўлса у ҳолда қуйидаги баҳо ўринли*

$$\left|I_{\alpha,\beta}(\mu a^0)\right| \leq \frac{C_{d,n}}{|\mu|^{\frac{1}{|\alpha|}}},$$

бу ерда $S^N = \{|a| = 1\}$ *бирлик сфера ва* $\mu > 0$.

"Фазаси бир жинсли кўпҳад бўлган умумлашган тебранувчан интегралларнинг инвариант баҳолари" номли параграфда, биз фазаси қуйидаги кўринишдаги умумлашган тебранувчан интегралларнинг баҳоларини қараймиз

$$P_3(a, x, y) = a_0 x^3 + 3a_1 x^2 y + 3a_2 x y^2 + a_3 y^3, \tag{8}$$

бу ерда $a := (a_0, a_1, a_2, a_3) \in R^4$ коэффициентлар. Қуйидаги интегрални қарайлик

$$I_{\alpha,\beta}(a) = \int_{R^2} E_{\alpha,\beta}(iP_3(a, x, y))\psi(x, y)dxdy, \tag{9}$$

бунда ψ компакт ташувчили силлиқ функция.

Биз (9) интегрални коэффициентлари чексизга интилгандаги характерини ўрганамиз. Эвклид текислигининг ҳаракатлар гуруҳининг инвариантлари бўйича (9) интеграл учун баҳоларини оламиз. Бу кўпҳаднинг дискриминанти қуйидаги формула билан аниқланади:

$$D = 3a_1^2 a_2^2 + 6a_0 a_1 a_2 a_3 - 4a_0 a_2^3 - 4a_1^3 a_3 - a_0^2 a_3^2.$$

Бу $SL(2, \mathbb{C})$ гуруҳда инвариант.

5-Теорема. *(8) фазали (9) интеграл учун қуйидаги баҳо ўринли*

$$\left|I_{\alpha,\beta}(a)\right| \leq \frac{c\|\psi\|_{L^\infty}}{|D|^{\frac{1}{6}}}.$$

Бунда c ўзгармас a га боғлиқ ва $D \neq 0$ $P_3(a, x, y)$ *кўпҳаднинг дискриминанти.*

Энди бир ўлчовли интегрални қараймиз. Қуйидаги баҳо ёрдамчи натижа бўлиб, кейинги параграфда инвариант баҳони олиш учун муҳим ҳисобланади.

$0 < \delta < 1$ бўлсин. Қуйидаги интегрални қараймиз

$$J_{\alpha,\beta}(p, q) = \int_{\mathbb{R}} E_{\alpha,\beta}(i(x^3 + px + q))dx, \tag{10}$$

бунда $0 < \alpha < 1, \ \beta > 0$.

6-Теорема. *1) Фараз қилайлик* $\frac{1}{3} < \delta < \frac{1}{2}$. *бўлсин. У ҳолда ихтиёрий* $(p, q) \neq (0,0)$ *учун*

$$\left|J_{\alpha,\beta}(p, q)\right| \leq \frac{c_\delta}{\left(\frac{|p|^3}{27} + \frac{q^2}{4}\right)^{\frac{3\delta-1}{6}}}. \tag{11}$$

2) Фараз қилайлик $\frac{1}{2} < \delta < 1$. *У ҳолда*

$$\left|J_{\alpha,\beta}(p, q)\right| \leq \frac{c_\delta}{|D|^{\delta-\frac{1}{2}}\left(\frac{|p|^3}{27} + \frac{q^2}{4}\right)^{\frac{2-3\delta}{6}}}, \tag{12}$$

бунда $D=\frac{p^3}{27}+\frac{q^2}{4}\neq 0$ x^3+px+q *кўпҳаднинг дискриминанти ва* $c_\delta>0$ *фақатгина* δ *га боғлиқ бўлган мусбат сон.*

“Икки ўзгарувчили Миттаг-Леффлер функциясининг баҳолари” параграфида биз фазаси икки ўзгарувчили силлиқ функция бўлган умумлашган тебранувчан интегралларнинг баҳоларини қараймиз. Фазаси экспоненциал функция ўрнига икки ўзгарувчили Миттаг-Леффлер бўлган функцияни қўйиб умумлаштирамиз.

Ушбу параграфнинг асосий натижаси қуйидаги ҳисобланади.

7-Теорема. *Фараз қилайлик* f *координаталар бошининг етарлича кичик атрофида аниқланган икки ўзгарувчили силлиқ функция ва* $\psi\in C_0^\infty(U)$ *бўлсин.*

Агар $0<\alpha<1$, $\beta>0$, $h>1$ *ва* $\lambda>2$ *бўлса, у ҳолда қуйидаги баҳо ўринли*

$$\left|\int_U E_{\alpha,\beta}\big(i\lambda f(x_1,x_2)\big)\psi(x)dx\right|\leq \frac{C|\ln\lambda|^m\|\psi\|_{L^\infty(\overline{U})}}{\lambda^{\frac{1}{h}}}, \tag{13}$$

бунда h *функциянинг баландлиги ва* $m=0{,}1$ *Ньютон кўпёқлигининг карралиги.*

Агар $0<\alpha<1$, $\beta>0$, $h=1$ *ва* $\lambda>2$ *бўлса, у ҳолда қуйидаги баҳо ўринли*

$$\left|\int_U E_{\alpha,\beta}(i\lambda(x_1^2+x_2^2))\psi(x)dx\right|\leq \frac{C|\ln\lambda|\|\psi\|_{L^\infty(\overline{U})}}{\lambda} \tag{14}$$

ва

$$\left|\int_U E_{\alpha,\beta}(i\lambda(x_1^2-x_2^2))\psi(x)dx\right|\leq \frac{C|\ln\lambda|^2\|\psi\|_{L^\infty(\overline{U})}}{\lambda}, \tag{15}$$

бунда C *фаза ва амплитудага боғлиқ бўлмаган константа.*

2-Тасдиқ. *Фараз қилайлик* $f:\Omega\to\mathbb{R}$ *ўлчовли функция бўлиб, барча нолдан фарқли ҳақиқий* $\lambda>2$ *лар ва барча мусбат* $\delta\neq 1$ *учун, қуйидаги ўринли бўлса*

$$\left|\int_\Omega e^{i\lambda f(x)}dx\right|\leq C|\lambda|^{-\delta}|\ln\lambda|^m, \tag{16}$$

бунда $m\geq 0$. *У ҳолда ушбу баҳо ўринли*

$$\left|x\in\Omega: |f(x)|\leq\varepsilon\right|\leq C_\delta\varepsilon^\delta\left|\ln\varepsilon\right|^m,\ \ \delta<1 \text{ учун}$$
$$\text{ва } \ \delta>1, \text{учун } \ |x\in\Omega: |f(x)|\leq\varepsilon|\leq C_\delta\varepsilon|,$$

бу ерда C_δ *фақатгина* δ *га боғлиқ.*

1-Натижа. *Фараз қилайлик* $a(x)=\begin{cases}1, \text{ when}|x|\leq\sigma,\\ 0, \text{ when}|x|\geq 2\sigma\end{cases}$ *ва* $a(x)\geq 0$ *ҳамда* $a\in C_0^\infty(R^2)$ *бўлсин. У ҳолда барча нолдан фарқли* $\lambda>2$ *ва мусбат* h *учун, қуйидаги баҳо ўринли*

$$\left|\int_{\mathbb{R}^2} e^{i\lambda f(x)}a(x)dx\right|\leq C|\lambda|^{-\frac{1}{h}}|\ln\lambda|^m, \tag{17}$$

бунда $m\geq 0$, f *координаталар бошидаги силлиқ финит функция,* h *эса* f *функциянинг баландлиги ва* m *Ньютон кўпёқлигининг карралиги.*

2-Натижа. Фараз қилайлик $f(x_1,x_2)$ *силлиқ функция ва* $\overline{\Omega}$ *координаталар бошининг етарлича кичик атрофидаги компакт тўплами бўлса у ҳолда нолдан фарқли ихтиёрий ҳақиқий* $\varepsilon>2$ *сон учун қуйидаги баҳо ўринли*

$$|x\in\Omega: |f(x)|\leq\varepsilon|\leq C\varepsilon^{\frac{1}{h}}|\ln\varepsilon|^m,$$

бунда h f *функциянинг баландлиги ва* m *карралиги.*

2-Тасдиқ. *Ихтиёрий силлиқ, компакт ташувчига эга* $a(x,y)$ *ва* $h>1$ *учун қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\int_{\{|f(x,y)|\geq \frac{M}{\lambda}\}} \frac{a(x,y)}{1+\lambda|f(x,y)|}dxdy \leq \frac{C|\ln\lambda|}{\lambda^{\frac{1}{h}}}. \qquad (18)$$

бу ерда $f(x,y)$ *силлиқ функция.*

3-Эслатма. *Агар* $h=1$ *ва* $f(x,y)$ *силлиқ функция учун* $\nabla f(0,0)=0$ *бўлиб. Морс леммасини қўллаб* $f: x^2 \pm y^2$ *га эга бўламиз. У ҳолда биз қуйидаги иккита тўпламларни баҳолаймиз* $\Delta = \Delta_1 + \Delta_2$, *бунда* $\Delta_1 := \{(x,y): |x^2 \pm y^2| \leq M\lambda, |x|\leq 1, |y|\leq 1\}$ *ва* $\Delta_2 := \{(x,y): |x^2 \pm y^2| > M\lambda, |x|\leq 1, |y|\leq 1\}$.

“Фазаси кўпҳад бўлган тебранувчан интегралларнинг баҳолари” номли бобда фазаси кўпҳад бўлган тебранувчан интеграллар ҳақидаги жамлаш масаласи қаралади.

Фараз қилайлик $\mathrm{P}(x,a)\in \mathrm{R}[x]$, $x\in \mathrm{R}^n$ ҳақиқий $a \in R^m$ коэффициентли кўпҳад бўлсин. Қуйидаги интегрални қарайлик

$$J(a) = \int_Q \exp\{2\pi i \mathrm{P}(x,a)\}dx,$$

бунда $Q=\{x\in \mathrm{R}^n : 0\leq x_l \leq 1, l=1,\dots,n\}$ n- ўлчовли бирлик куб. Бу функциянинг аҳамияти шундаки, у қуйидаги шаклнинг махсус интегралларида намоён бўлади

$$I_p := \int_{\mathrm{R}^m} |J(a)|^p \, da \qquad (19)$$

(19) Терри муаммосида, диофант системасининг бир қатор бутун сонли ечимлари учун асимптотик тасвир коэффициенти сифатида юзага келади. Шунинг учун (19) интегралнинг яқинлашувчи бўлиши учун p параметрнинг минимал қийматини топиш масаласи муҳим.

Муаммо: *Аниқ қийматини топинг* $\gamma = \inf\{p\geq 1: J\in \mathrm{L}^p(\mathrm{R}^m)\}$.

γ сонга тригонометрик интеграллар учун жамлаш кўрсаткичи деб аталади.

Ушбу бобда фазаси кўпҳад бўлган тригонометрик интеграллар учун γ сонни топиш масаласини кўрамиз. Фараз қилайлик, $P(x,s)\in \mathrm{R}[x]$ $x\in \mathrm{R}^k$ даги $s\in \mathrm{R}^N$ коэффициентли кўпҳад бўлсин. Q орқали R^k даги компакт тўпламни белгилаймиз.

“Фазаси тўла квадратик кўпҳад бўлмаган тригонометрик интегралларнинг баҳолари” номли параграфда $k=3$ ҳолдаги тригонометрик интегралларнинг жамлаш масаласини қараймиз ва жамлаш кўрсаткичини $\boldsymbol{Q} = [\boldsymbol{0},\boldsymbol{1}]^{\boldsymbol{3}}$ учун аниқ топамиз.

P кўпҳад қуйидаги кўринишда бўлсин:

$$P(x,A,b) = (Ax,x) + (\beta,x),$$

бу ерда $A=\begin{pmatrix} 0 & \alpha_1 & \alpha_2 \\ \alpha_1 & 0 & \alpha_3 \\ \alpha_2 & \alpha_3 & 0 \end{pmatrix}$ ҳақиқий симметрик матрица, $\beta:=(\beta_1,\beta_2,\beta_3)$ ва $(\cdot,\cdot)$ векторларнинг скаляр кўпайтмаси. Қуйидаги тригонометрик интегрални қарайлик

$$T(A,\beta)=\int_{[0,1]^3} exp(\, iP(x,A,\beta))dx. \tag{20}$$

Қуйидаги интегрални қарайлик

$$\theta=\int_{\mathsf{R}^6} |T(A,\beta)|^p\, d\beta d\alpha,$$

бунда $d\beta=d\beta_1 d\beta_2 d\beta_3$ ва $d\alpha=d\alpha_1 d\alpha_2 d\alpha_3$.

Ушбу тасдиқ ўринли:

8-Теорема. *θ интеграл $p>4$ учун яқинлашувчи ва $p\le 4$ учун узоқлашувчи. Хусусан бунда жамлаш кўрсаткичи $p_0=4$ га тенг.*

Қуйидаги мулоҳаза билан танишайлик:

$$\theta_\infty=\int_{\mathsf{R}^6} |T_\infty(A,\beta)|^p\, d\beta d\alpha.$$

3-Тасдиқ. *θ_∞ интеграл $p>4$ да яқинлашувчи ва $p\le 4$ да узоқлашувчи.*

Фараз қилайлик $Q:=[0,1]^3$ R^3 даги куб бўлсин ва

$$h(\beta)=\int_{R^3} e^{|x|^2}\chi_Q(x)e^{-2\pi i(\beta,x)}dx,$$

бунда $\chi_Q(x)$ Q тўпламнинг характеристик функцияси.

4-Тасдиқ. *Ихтиёрий мусбат ε сон учун, қуйидаги тасдиқ ўринли $h\in L_{1+\varepsilon}(\mathsf{R}^3)$.*

“Фазаси квадратик функциядан иборат тригонометрик интегралларнинг баҳолари” номли параграфда классик қўйилган масалани фазаси P квадратик кўпҳад ва $Q=[0,1]^k$ бирлик куб бўлганда қараймиз.

Фараз қилайлик P кўпҳад қуйидаги кўринишда бўлсин

$$P(x,A,b)=(Ax,x)+(b,x),$$

бу ерда $A=(a_{lm})^k{}_{l,m=1}$ симметрик $k\times k$ ўлчамли ҳақиқий матрица, $b:=(b_1,b_2,...,b_k)\in\mathsf{R}^k$ ва $(\cdot,\cdot)$ векторларнинг скаляр кўпайтмаси. Қуйидаги тригонометрик интегрални қарайлик

$$T(A,b)=\int_{\mathsf{R}^k} \exp(iP(x,A,b))\chi_K(x)dx,$$

бунда K компакт тўплам ва $\chi_K(x)$ унинг характеристик функцияси.

$$\theta=\int_{\mathsf{R}^N} |T(A,b)|^p\, dbda,$$

интегрални қарайлик, бунда $db=db_1 db_2...db_k$ and $da=\prod_{1\le l\le m\le k} da_{lm}$.

Қуйидаги тасдиқ ўринли:

9-Теорема. Фараз қилайлик *K компакт тўплам бўлсин, у ҳолда θ интеграл $p>2k+2$ яқинлашувчи ва агар K ички x^0 нуқтага эга бўлиб ва x^0 нуқтадан ўтувчи l тўғри чизиқ мавжуд бўлиб, $\{l\cap K\}$ тўплам фақатгина* *чекли нуқталарни сақласа, у ҳолда интеграл* $p \le 2k+2$ *да узоқлашади. Шундай қилиб, агар* K *компакт тўплам бўш бўлмаган ички нуқтадан иборат бўлса, у ҳолда жамлаш кўрсаткичи* $p_0 = 2k+2$ *га тенг.*

P **иккинчи даражали бир жинсли кўпҳад бўлган ҳол**

$P(x,A)=(Ax,x)$ бўлсин.

10-Теорема. *Агар* $P(x,A)=(Ax,x)$ *ва* Q *кўпбурчак бўлсин, у ҳолда* $p>2k$ *да* θ *интеграл яқинлашувчи. Агар* $Q=[0,1]^k$, *бўлса, у ҳолда* $p \le 2k$ *да* θ *интеграл узоқлашувчи бўлади.*

Кўпбурчаклар маъносида биз махсусмас симплекслар бирлашмасини тушунамиз.

3-Эслатма. Бу ҳолда биз [Jong-Guk Bak, Sanghyuk Lee, 2004, "Restriction of the Fourier transform to a quadratic surface in $\mathbb{R}^n$". *Mathematische Zeitschrift* No.247, pp.409-422.] ишнинг натижаларини $\{x_i x_j\}_{i\le j=1}^{n}$ силлиқ сирт бўлмаганлиги туфайли қўллай олмаймиз.

4-Эслатма. Q тўпламга боғлиқ ҳолда, p кўрсаткич $2k$ дан кичик бўлиши ҳам мумкин. Масалан, агар $k=2$ ва Q маркази $(1,1)$ нуқтада бўлган етарлича кичик айланадан иборат бўлса, у ҳолда $p>3$ да θ интеграл яқинлашувчи бўлади.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$\theta_\infty = \int_{\mathbb{R}^N} |T_\infty(A,b)|^p \, dbda,$$

бунда

$$N=\frac{k(k+2)}{2}.$$

5-Тасдиқ. θ_∞ *интеграл* $p>2k+2$ *да яқинлашувчи ва* $p \le 2k+2$ *да узоқлашувчи.*

11-Теорема. *Фараз қилайлик* D *компакт соҳа* $\hat{\chi}_D \in L_q(R^2)$ *ва* $T(A)=\int_D e^{i(Ax,x)}dx$ *бўлсин. У ҳолда* $p>6-\frac{2}{q}$ *да* $T \in L^p(\mathbb{R}^3)$. *Бундан ташқари, агар* $\hat{\chi}_D \in L_{1+0}(R^2)$ *бўлса, у ҳолда* $p>4$ *да* $T \in L^p(\mathbb{R}^3)$ *ўринли.*

5-Эслатма. [V. V.Lebedev, 2013, "On the Fourier transform of the characteristic functions of domains with C^1 boundary". *Func. anall. and its appl.* vol. 47, no. 1. pp. 33-46.] ишнинг натижасидан шундай кўпбурчакдан фарқли шундай D тўплам мавжудки, ушбу $\hat{\chi}_Q \in L_{1+0}(R^2)$ ўринли.

3-Натижа. Агар D$\subset R^2$ компакт тўплам ва $\partial D \subset C^1$ бўлса, у ҳолда $p>4.5$ учун ушбу $T \in L^p(\mathbb{R}^3)$ муносабат ўринли.

“Тригонометрик интеграллар учун L^p **– чегараланганлик” номли** параграфида фазаси учинчи даражали бир жинсли ва чизиқли қисмлар йиғиндисидан иборат кўпҳад бўлган тригонометрик интеграллар учун жамлаш масаласи қаралади. Тригонометрик интегралларни баҳолаб, жамлаш кўрсаткичининг аниқ қиймати топилади.

Биз амплитуда функцияси ψ ҳам, фаза функцияси F ҳам параметрга боғлиқ бўлган ҳолат учун масалани кўриб чиқамиз. Аввал оддий фазали тебраниш интеграллари учун жамлаш масаласини ҳал қиламиз. Бундан ташқари, биз қутб типидаги махсусликни ўз ичига олган амплитудали бир ўлчовли тригонометрик интегралларнинг характерларини ўрганамиз. Ниҳоят, биз узлуксиз амплитудали ва алгебраик (лекин кўпҳад бўлмаган) фазали функцияли тригонометрик интегралларнинг жамлаш масаласини кўриб чиқамиз. Олинган натижалар икки ўлчовли тригонометрик интегралларни жамлаш масаласини ечишда қўлланилади.

$F(x,y,a)$ икки ўзгарувчининг кўпҳад функцияси бўлсин:

$$F(x,y,a) := P_3(x,y,a_3) + P_1(x,y,a_1), \tag{21}$$

бунда $P_3(x,y,a_3) = a_{30}x^3 + 3a_{31}x^2y + 3a_{32}xy^2 + a_{33}y^3,$ $P_1(x,y,a_1) = a_{10}x + a_{11}y.$ $a_3 := (a_{30}, a_{31}, a_{32}, a_{33}),$ $a_1 := (a_{10}, a_{11})$ лар $\mathbb{R}^4$, $\mathbb{R}^2$ даги мос равишдаги векторлар.

Параграфнинг асосий натижалари қуйидаги теоремалардир.

12-Теорема. *Фараз қилайлик* $\psi \in C_0^\infty(\mathbb{R}^2)$ *ва*

$$J(a,\psi) := \int_{\mathbb{R}^2} e^{iF(x,y,a)}\psi(x,y)dxdy. \tag{22}$$

бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $p > 8$ *учун* $J(\cdot,\psi) \in L^p(\mathbb{R}^6)$ *ўринли. Бундан ташқари, агар* $\psi(\cdot,\cdot)$ *координаталар бошининг етарли кичик атрофидаги* $\psi(0,0) \neq 0$ *бўлган силлиқ функция бўлса, у ҳолда* $p \leq 8$ *учун* $J(\cdot,\psi) \notin L^p(\mathbb{R}^6)$.

Энди фаза функцияси (21) ва $\psi(x,y)\chi_Q(x,y)$ узилишга эга амплитуда функцияли қуйидаги тебранувчан интегрални кўриб чиқамиз

$$J(a,\psi,\chi_Q) := \int_Q e^{iF(x,y,a)}\psi(x,y)dxdy, \tag{23}$$

бу ерда $\psi \in C_0^1(\mathbb{R}^2)$ ва $Q := [0,1]\times[0,1]$.

13-Теорема. *Агар* $J(\cdot,\psi,\chi_Q)$ *(23) кўринишдаги интеграл бўлса, у ҳолда ихтиёрий* $p > 8$ *учун* $J(\cdot,\psi,\chi_Q) \in L^p(\mathbb{R}^6)$. *Бундан ташқари, агар* $\psi(\cdot,\cdot)$ *координаталар бошининг етарли кичик атрофидаги* $\psi(0,0) \neq 0$ *бўлган силлиқ функция бўлса, у ҳолда* $p \leq 8$ *учун* $J(\cdot,\psi,\chi_Q) \notin L^p(\mathbb{R}^6)$.

4-Натижа. $J(a,\chi_Q) = \int_Q e^{iF(x,y,a)}dxdy$ интеграл учун $p > 8$ да $J(\cdot,\chi_Q) \in L^p(R^6)$ муносабат ўринли ва агар $p \leq 8$ бўлса, у ҳолда $J(\cdot,\chi_Q) \notin L^p(R^6)$. Бошқача айтганда, жамлаш кўрсаткиичи $\gamma = 8$.

Амплитудаси параметрга боғлиқ бир ўзгарувчили тебранувчан интегралларни жамлаш

$B \subset \mathbb{R}^3$ маркази координаталар бошида бўлган ёпиқ куб бўлиб, $\mathcal{A}_B$ орқали қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $\phi \in C^\infty(\mathbb{R}^2 \times B \times \mathbb{R})$ функциялар синфини белгилаймиз:

• ихтиёрий $\phi \in \mathcal{A}_B$ учун, шундай $K_\phi \subset \mathbb{R}^2$ компакт тўплам мавжуд бўлиб, ихтиёрий $(\xi,b) \in B \times R$ учун $supp\phi(\cdot,\xi,b) \subset K_\phi$ бўлсин;

• ихтиёрий $\phi \in A_B$ ва $N \geq 0$ учун $C = C(N,\phi) > 0$ мавжуд бўлиб $(\xi, b) \in B \times R$ учун

$$\|\varphi(\cdot,\xi,b)\|_{C^N(R^2)} \leq C$$

бўлсин.

$$R^2 \times R^3 \times R = \{(a_1,a_2,\eta,b): \eta \in R^3, a_1,a_2,b \in R\},$$

фазодаги R^6 да Лебег ўлчовига нисбатан абсолют узлуксиз бўлган, $\mu = b^3 da_1 da_2 d\eta db$ ўлчов билан танишамиз. μ-ўлчовли $X \subset R^2 \times R^3 \times R$ қисм тўпламдаги p-даражаси билан интегралланувчи барча μ-ўлчовли функциялар синфини $L^p(X,\mu)$ орқали белгилаймиз.

$\phi \in A_B$ учун қуйидаги тебранувчан интегрални қараймиз

$$J^1(a_1,a_2,\eta,b) := \frac{1}{b^{\frac{1}{3}}} \int_R \varphi(y, b^{\frac{2}{3}}|\eta_3 y^2 + \eta_1|, \eta, b) e^{i(a_2 y^3 + a_1 y)} dy, \qquad (24)$$

бунда $\eta = (\eta_1,\eta_2,\eta_3)$, $b \neq 0$.

Ушбу тўпламни қарайлик

$$X := \{(a_1,a_2,\eta,b) \in R^2 \times R^3 \times (R \backslash [-1,1]): |a_1|,|a_2| \leq |b|, \eta \in B\}.$$

6-Тасдиқ. *Ихтиёрий $\phi \in A_B$ ва $p > 8$ учун $J^1 \in L^p(X,\mu)$ ўринли.*

Кичик амплитудали тебранувчан интегралларнинг баҳолари

Бунда $\frac{\psi(y,\eta,b)}{b|\eta_3 y^2 + \eta_1|}$, шаклдаги тебранувчан интегралларининг баҳосини қараймиз, бунда $\psi(y,\eta,b)$ силлиқ ва $\sup\psi(\cdot,\eta,b) \subset [-d,d] \cap \{b^{\frac{2}{3}}|\eta_3 y^2 + \eta_1| > 1\}$ шартни қаноатлантирувчи функция ҳамда $V_{-d}^{d}[\psi] \lesssim 1$, бу ерда d мусбат ҳақиқий сон. Тушунарлики, $\frac{\psi(y,\eta,b)}{b|\eta_3 y^2 + \eta_1|}$ функция $\boldsymbol{b^{\frac{2}{3}}|\eta_3 y^2 + \eta_1| > 1}$ маъносидаги кичик амплитуда функция.

Қуйидаги тебранувчан интегрални қарайлик

